

Сафарова Н.А. - ТМИ,
тадқиқотчи

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ

Мақолада жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг иқтисодий аҳамияти, жами даромадлар таркиби ва уларни солиққа тортишнинг ижтимоий-иқтисодий асослари, даромадларни солиққа тортишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари ўз ифодасини топган.

Таянч сўзлар: Жисмоний шахслар, жисмоний шахслар даромадлари, давлат бюджети даромадлари, жами даромадлар, солиққа тортиш, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштириш.

В статье нашли свое отражение экономическое значение налогообложения доходов физических лиц, состав совокупного дохода и их социально-экономические основы налогообложения, некоторые вопросы совершенствования налогообложения доходов.

Ключевые слова: Физические лица, доходы физических лиц, доходы государственного бюджета, совокупный доход, налогообложение, усовершенствование налогообложения доходов физических лиц.

The economic significance of tax imposition of natural persons incomes, the structure of total incomes and their social-economic basic of tax imposition improving of incomes has found its reflection in this article.

Key words: Individuals, personal income, state budget revenues, total revenue, taxation, improvement of personal income tax.

Жамият ривожланишининг ҳозирги даврига келиб юридик шахсларнинг солиқ мажбуриятлари кўп бўлса-да, солиқларнинг ривожланиш даврларида асосий солиқ тўловчилари бўлиб жисмоний шахслар ҳисобланган. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқларнинг моҳияти умумий солиқларнинг моҳиятидан келиб чиқади ва улар солиқ тизимининг асосий қисмини ташкил этади. Жисмоний шахслар тўлайдиган солиқлар солиқ-бюджет сиёсатининг муҳим таркибий қисми сифатида, улар даромадларининг муайян қисмини давлатнинг марказлашган фондини шакллантириш учун давлат бюджетига ундириш жараёнида юзага келадиган молиявий муносабатларда намоён бўлади. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи давлат бюджети даромадларини шакллантириш билан бир вақтда, уларнинг фаоллигини оширишга, ижтимоий барқарорликни таъминлашга ҳам хизмат қилади. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “... жисмоний шахслардан олинадиган солиқлар, бир томондан, ходимларни ўз меҳнати билан ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол иштирок этишга рағбатлантириши, иккинчи томондан, иш ҳақи даражаси сарфланган меҳнат самарасига мутаносиб бўлишга ёрдам кўрсатиши,

меҳнаткашларнинг даромадларидаги тафовут асоссиз равишда катта бўлишига олиб келмаслиги лозим” [1].

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни назарий жиҳатдан асослашда “жисмоний шахс” ва “жисмоний шахслар даромадлари” тушунчаларига тўхталиб ўтиш, уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиш мақсадга мувофиқ. Чунки, жисмоний шахс тушунчаси юридик аҳамиятга эга бўлган тушунча бўлиб, тарихий ривожланиш даврида турли атамалар билан ифодаланган (“раият”, “фуқаро”, “аҳоли” ва шу кабилар). Шунингдек, замонавий иқтисодий адабиётларда ва ҳатто солиқ амалиётида ҳам турли атамалар билан ифодалаб келинмоқда.

Маълумки, солиқ тўловчилар Солиқ кодексига мувофиқ зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти юклатилган жисмоний шахслар, юридик шахслар ва уларнинг алоҳида бўлинмаларидир [2].

Солиқ тўловчиларнинг “жисмоний шахс” ва “юридик шахс” атамалари билан номланиши юридик аҳамиятга эга бўлиб, солиқ муносабатларида улар зиммасига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбуриятларини юклашга хизмат қилади. Кўпчилик адабиётларда қўлланиб келинаётган “аҳоли” тушунчаси умумий тушунча бўлиб, жисмоний шахсларга доир маълумотларни умумлаштиришда фойдаланилади, у субъектларга солиқ тўлаш мажбуриятини юклашда ишлатилмайди.

Солиқ кодексига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар жисмоний шахслар деб эътироф этилади [3]. Демак, солиққа тортиш мақсадида яшаш жойидан қатъи назар, барча фуқаролар – жисмоний шахслар деб ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, солиқларга доир адабиётлар, илмий ишлар ва амалиётда “жисмоний шахс” тушунчасидан кенгроқ фойдаланишга эришмоқ керак. Бизнингча, аҳолининг солиқ маданиятини оширишда бунга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда, уларнинг даромадларини аниқлаш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Жисмоний шахслар даромадлари ҳақида гап борар экан, бу борадаги турли фикрлар ва қарашларни четлаб ўтиб бўлмайди. Зеро, ранг-баранг фикрлар ва қарашларни ўрганиш муайян воқеа ва ҳодисага доир тўғри хулоса чиқариш имконини беради.

Кўпчилик иқтисодий адабиётларда келтирилган “аҳоли даромадлари” ва “жисмоний шахслар даромадлари” тушунчалари умумий тушунчалар бўлиб, бир хил маънони англатади. Чунки, ушбу тушунчаларнинг ҳар бири жисмоний шахслар ёки аҳолининг олган ёхуд олиши мумкин бўлган даромадларини ифодалашда қўлланилади. Маълумки, жисмоний шахс муайян фаолиятдан солиққа тортиладиган даромадга эга бўлсагина даромад солиғини тўловчи ҳисобланади. Жисмоний шахсларнинг ҳар қандай даромадлари ҳам солиққа тортилавермайди, балки, солиқ қонунчилигида белгиланган солиққа тортиладиган даромадларга эга бўлган жисмоний шахсларда солиқ тўлаш мажбурияти вужудга келади. Шунинг учун жисмоний шахсларнинг жами

даромадлари таркибини атрофлича кўриб чиқиш даромад солиғига доир назарий масалаларни ёритишга хизмат қилади. Бизнингча, солиқларнинг фискаллигини ошириш учун солиқ элементларининг у ёки бу турини ўзгартириб, ҳисоб-китобларни мураккаблаштиришдан кўра, солиққа тортиш объектини, даромадларни ошириш йўллари илмий жиҳатдан асослаш ва амалда эришиш мақсадга мувофиқ.

Иқтисодий адабиётларда даромад иқтисодий фаолият натижаларини ифодаловчи кўрсаткич сифатида эътироф этилиб, бирон бир фаолият натижасида олинган пул маблағларини, натурал кўринишда олинган маҳсулотларни, иқтисодий ресурслар келтирувчи нафни ва бошқа тушунчаларни ифодалайди. Даромад умумий тушунча бўлиб, унинг таркибида аҳоли даромадлари муҳим ўрин эгаллайди.

Аҳоли даромадлари олинган манбаидан қатъи назар аҳолининг муайян фаолияти натижасида олган ёки олиши мумкин бўлган турли кўринишдаги пул ва натурал шаклидаги тушумларини ифодалайди. Иқтисодчилар томонидан аҳоли даромадлари ва уларнинг таркиби борасида турлича фикрлар билдирилган. Жумладан, Ш.Шодмонов ва У.Ғафуровлар томонидан чоп этилган “Иқтисодиёт назарияси” дарслигида “аҳоли даромадлари маълум вақт оралиғида (масалан, бир йилда) улар томонидан олинган пул ва натурал шаклдаги тушумлар миқдорини англатади” [4], деб таъриф берилган.

Аҳолининг пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад, нафақа, пенсия, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклида олинган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Натурал даромадлар меҳнат ҳақи ҳисобига олинган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотларидан иборат.

Иқтисодий адабиётларда аҳоли даромадлари даражасига баҳо бериш учун номинал, ихтиёрида бўлган ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланилади.

Номинал даромад – аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинган даромадларнинг пул кўринишидаги миқдори ҳисобланади.

Ихтиёрида бўлган даромад – шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад. Жисмоний шахсларнинг ихтиёрида бўлган даромадлари уларнинг номинал даромадларидан солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловларнинг чегирмаси ўртасидаги фарққа тенгдир.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорини кўрсатади, яъни даромаднинг харид қувватини билдиради.

Аҳоли даромадлари таркиби борасида ҳам турли фикрлар мавжудлигини асослаш учун яна Ш.Шодмонов ва У.Ғафуровлар қайд этган фикрларга мурожаат қиламиз. Жумладан:

а) ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига олинадиган даромад;
б) давлат ёрдам дастурлари бўйича тўлов ва имтиёзлар шаклидаги пул тушумлари;

в) молия-кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари [5].

Шунингдек, Д.Тожибоева аҳоли даромадларини 4 гуруҳга бўлиб кўрсатган:


а) ишловчиларни меҳнат қилиб топган даромадлари (иш ҳақи, маош, мукофот ва бошқалар);

б) тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад (фойда);

в) ижтимоий даромадлар, меҳнат қилиб қўшган ҳиссаларидан қатъий назар олинадиган даромадлар (ижтимоий истеъмол фондлардан тўловлар, трансферт тўловлари, ишсизлик нафақалари ва бошқалар);

г) мулкдан олинган даромадлар (омонат пулларига олинадиган фоизлар, рента ва бошқалар) [6].


Солиқ кодексига мувофиқ, жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги даромадлар, мулкӣ даромадлар, моддий наф тарзидаги даромадлар ва бошқа даромадлар киради [7].



1-расм. Жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби

Демак, жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби борасида сўз юритар эканмиз, бугунги кунда Солиқ кодексига келтириб ўтилган даромадлар ва уларнинг таркиби кенг қамровли эканлигини эътироф этиш лозим.

Жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишнинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини очиқ беришда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги аҳамиятини таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ.



2-расм. Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши динамикаси [8]

2-расмда 2000-2016 йилларда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг республикамиз давлат бюджети даромадлари таркибидаги улуши динамикаси келтирилган бўлиб, 2000 йилда унинг улуши 11,5 фоизни ташкил этиб, 2006 йилга қадар мунтазам равишда ўсиб борган ва 14,9 фоизни ташкил этган. 2006 йилдан 2014 йилга қадар даромад солиғининг улуши мунтазам равишда пасайиб, 10,3 фоизни ташкил этган.

2015 йилда эса яна ўсиш тенденциясига эга. Бизнингча, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг давлат бюджети даромадлари таркибидаги улушининг ўзгариши аввало унинг ставкаларидаги ўзгаришларга боғлиқ. Сўнгги йилларда унинг ставкасини мунтазам равишда пасайтириб борилишига мос равишда, улушининг ҳам пасайиши кузатилган.

Солиқ кодексига жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркибига тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар киритилмаган. Чунки, солиқ қонунчилигига мувофиқ жисмоний шахслар тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадларидан қатъий белгиланган солиқ тўлайдилар. Шу боис, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини ҳисоблашда тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад кўзда тутилмаган. Бу ҳолат жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда алоҳида солиққа тортиш тартибининг қўлланилиши билан ифодаланади. Лекин жисмоний шахсларнинг жами даромадлари таркиби борасида гап борганда, албатта тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромад ҳисобга олиниши керак. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда аҳоли даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадлар муттасил ортиб бормоқда. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар улуши 2010 йилдаги 47,1 фоиз ўрнига 52 фоизга ўсгани ва бу Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларидаги кўрсаткичлардан сезиларли даражада юқори эканини алоҳида таъкидлашни истардим [9].

Кўриниб турибдики, аҳоли даромадларининг кўпчилик қисми тадбиркорлик фаолиятдан олинаётган даромадларга тўғри келмоқда. Шу боис,

жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда уларнинг тадбиркорлик фаолиятидан олаётган даромадларини солиққа тортишга алоҳида аҳамият қаратиш талаб этилади.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига доир тадқиқотларда ушбу солиқнинг моҳияти ва ижтимоий аҳамияти борасида бир қатор илмий фикрлар билдирилган. Жумладан, И.Юлдашев ўз тадқиқотларида даромад солиғига доир қуйидаги фикрларни билдирган: “Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, асосан аҳолининг пировард пул даромадлари даражасига таъсир қилади, шу билан бирга, давлат уни олинадиган даромадлардан янада мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун рағбатлантирувчи омил сифатида ишга солади. Даромад солиғи туфайли даромадларнинг, аввало юқори даромадларнинг бир қисми аҳолининг қўшимча маблағларга муҳтож бўлган тоифалари фойдасига ва умуман, жамият манфаатлари йўлида қайта тақсимланади. Даромадлардаги тенгсизлик даражаси маълум даражада қисқаради” [10]. Даромад солиғига доир шу каби фикрлар бошқа тадқиқотларда ҳам келтирилган. Дарҳақиқат, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда улардаги психологик омилни албатта эътиборга олиш зарур. Зеро, ҳеч бир шахс солиқ тўлайман деб фаолият кўрсатмайди. Шундан келиб чиқиб, солиқлар айна вақтда қайишқоқ бўлиши, субъектларнинг фаоллигига салбий таъсир қилмаслиги керак.

Назаримизда, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи механизмидаги муаммолардан кўра, аҳоли даромадларини ошириш ва уларни қонунийлигини таъминлашга доир муаммолар кўпроқ. Чунки, ҳақиқий эришилган ва қонуний асосига эга бўлган даромадларни солиққа тортиш механизми давр талабига мос равишда шакллантирилган. Бу билан жисмоний шахсларнинг олаётган барча даромадлари солиққа тортиляпти, деб бўлмайди.

Бизнингча, истиқболда жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишни такомиллаштиришда қуйидагиларга эътибор қаратиш зарур:

- жисмоний шахслар даромадларини белгилашда уларнинг ишчанлик даражаси эътиборга олиниши ва касбий маҳоратидан келиб чиқиб, рағбатлантирувчи коэффициентларнинг қўлланилиши;

- жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортишда уларнинг жами даромадларини аниқлаш ва адолатли солиққа тортиш механизмини яратишга эришиш;

- жисмоний шахслар даромад солиғини такомиллаштириш жараёни, иш унумдорлигини эътиборга олган ҳолда даромадларни ошириш тизими билан бирга олиб борилиши керак.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. - Т.: Ўзбекистон, 1998. – 360 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: “Адолат”, 2016 й. - 8-9 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: “Адолат”, 2016 й. – 10 б.
4. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик. - Т.: “Фан ва технология”, 2005. – 662 б.
5. Шодмонов Ш., Ғафуров У. Иқтисодиёт назарияси. Дарслик - Т.: “Фан ва технология”, 2005. – 665 б.
6. Тожибоева Д. Иқтисодиёт назарияси: Иккинчи китоб: Олий ўқув юртлири талабалари учун ўқув қўлланма. /М.Шарифхўжаев илмий таҳрири остида. -Т.: “Шарқ”, 2003. - 331-332 б.
7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Т.: “Адолат”, 2016 й. – 170 б.
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси маълумотлари асосида ишлаб чиқилган.
9. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. // Халқ сўзи газетаси. 2016 йил 17 январь.
10. Юлдашев И.С. Жисмоний шахслар даромадини солиққа тортишда умумдекларациялаш тизимини жорий этиш масалалари: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун диссертация автореферати. – Т.: БМА, 2002. - 7 б.